

## Уэльсда масжид ва Ислом маркази очилди



11:20 / 14.12.2021 1078

Уэльснинг Абергавенни шаҳрида масжид ва Ислом маркази очилди. Абергавенни мери Тюдор Томас масжид ва марказнинг очилишини илиқ кутиб олди ва уэльсликларнинг барча дин ва миллатларга нисбатан бағрикенглигини таъкидлади. «Бу шаҳарда ушбу марказнинг мавжудлиги бахтиёрликдир. Муслмон жамоаларининг ижтимоий ва маданий фаолиятига хизмат қиладиган марказдир», дейди Тюдор Томас.

Маросимда шаҳар муслмонлари аффон қочқинларини қабул қилишга тайёр эканликларини маълум қилди.

Аввалроқ Абергавенни муслмон жамоасига шаҳарда жума намозини ўқишга рухсат берилган эди.

Абергавенни Уэльс ва Англия чегарасида жойлашган Монмутширнинг тарихий ва замонавий округидаги шаҳар ҳисобланади. Бу ерда 12 000 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Баъзан ушбу шаҳарни «Уэльсга кириш эшиги» деб ҳам аташади. Ҳозирда Уэльсда тахминан 40 га яқин масжидлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти Кардифф, Ньюпорт ва Суонси каби муслмон аҳолиси кўп бўлган шаҳарларда қурилган. Уэльсда 50 мингга яқин муслмонлар истиқомат қилади.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***